## ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОММУНИСТ МУЛОҲАЗАЛАРИ

# ҲАММАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг тарихий октябрь Пленуми партиямиз, халқимиз фаолиятида масъулиятли даврни бошлаб берди.

Пленумда ўртоқ М. С. Горбачев қилган доклад шу кунларда ҳар бир коммунист қалбига илҳомбахш куч бағишламоқда. Бу бежиз эмас. Докладда муҳокамага қўйилаётган ҳужжатлар тарихий жиҳатдан зўр аҳамиятга молик эканлиги алоҳида таъкидланди, айни пайтда ҳар учала ҳужжатни тағин ҳам мукаммаллаштириш соҳасида партия ташкилотлари, барча коммунистлар олдида турган актуал вазифалар нималардан иборатлиги аниқ-равшан кўрсатиб берилди.

Партия Уставига киритиладиган ўзгартишлар биз, коммунистларни, айниқса, ҳаяжонлантиради, ўз бурчимизни теранроқ тушунишга, топширилган ишга нисбатан меҳр-муҳаббат билан ёндашишга, эътиқодда қатъий туришга руҳлантиради, Уставга киритиладиган ўзгартишлар моҳияти ҳақида Пленумда шундай деб таъкидланди: «Қисқача қилиб айтадиган бўлсак, бу бир томондан, партия ички демократиясини янада кенгайтириш, коммунистларнинг, барча партия ташкилотлари ва аввало бошланғич партия ташкилотларининг ташаббускорлиги ҳамда активлигини ривожлантиришдан, иккинчи томондан эса, умумий ишларнинг ҳал этилиши учун уларнинг масъулиятини оширишдан иборат». Бу сўзлар ҳар бир бошланғич партия ташкилоти, ҳар бир коммунист учун қимматли дастуриламал эканлигини унутмаслигимиз керак.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, октябрь Пленуми материаллари, истиқболда ташланадиган дадил қадамлар салмоғини белгилаб берувчи тарихий ҳужжатлар корхонамизнинг ҳар бир аъзосида катта қизиқиш туғдирмоқда. Биз ҳозирданоқ партиямиз белгилаб берган йўл-йўриқларни қатъият билан ўрганишга киришдик. Шу асосда ишда тубдан бурилиш ясаш, аъло сифат, юқори самарадорликка эришиш, фан ва техника янгиликларини оперативлик билан ўзлаштириш, ҳамма жабҳада коммунистларнинг авангардлик ролини оширишга ҳаракат қиляпмиз.

Партиямизнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасида эътибор коммунист масъулиятини ошириш, ғоявий эътиқоди ва сиёсий тайёргарлигини мустаҳкамлашга қаратилганлиги давримиз талабидир. Зеро, биз ҳаётдан бир қадам ҳам ортда қолишга ҳаққимиз йўқ, аксинча, зиммамиздаги бурч ҳамиша матонат билан олдинда юришга, коммунизм қурилишида фаол иштирок этишга чорлайди. Айни пайтда корхонамиздаги 123 коммунистнинг ҳар бири ана шу эзгу ғоя тантанаси учун курашмоқда, меҳнат қилмоқда.

Ҳамма гап шундаки, лойиҳа мазмуни билан танишгандан кейин ўзингда бошқача бир куч-ғайрат сезасан, мамлакат томир уришини аниқроқ эшитиш, меҳнат фронтида янада дадил жавлон уриш, ишчи тили билан айтганда, коммунизм дастгоҳида зарур бир винт бўлишга тиришасан, киши.

Коммунистларда масъулият ҳиссини тарбиялаш, таъбир жоиз бўлса, юксак жанговарлик, ижодий ташаббускорликни талаб этади. Партия комитети аъзолари бу ҳақда муттасил қайғуришяпти. Октябрь Пленуми муносабати билан партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида ҳам ана шу мавзу диққат марказида турди. Партком аъзолари тарихий ҳужжатларни ўқиб-ўрганиш жараёни коммунистлар авангардлик ролини ўстириш билан бирга масъулиятини оширишда чинакам маънавий омилга айланиши зарурлигини уқтиришди. Бу жараён корхонамизда аниқ план бўйича коммунистлар етакчилигида амалга оширилади.

Партия йўл-йўриқларидан руҳланган эътиқодга содиқ, бурч ва масъулиятни оқилона тушунувчи корхона коммунистлари фабрика маркаси обрўсини кўтариш учун қатъият билан кураш олиб бормоқдалар. Партиявий-ташкилий, идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар йўналиши шу проблемани ҳал этишга қаратиляпти. 10 та цех партия ташкилоти, 5 та партия группаси ҳам коммунистлар активлигини кучайтиришда янгича иш усули ва услубларидан самарали фойдаланяпти.

Бундан ташқари, партком сифат ва самарадорлик учун курашга халқ контроли, комсомол комитети, «Комсомол прожектори» активларини сафарбар қилди. Кўзда тутилган мақсадни муваффақиятли амалга ошириш учун махсус сифат комиссияси тузилгани корхона ҳаётида муҳим роль ўйнади. Комиссиянинг иш кўлами — цехлар, участкалар, бригадаларда сифатни яхшилаш, самарадорликка эришиш, ресурсларни тежаш, меҳнатни илмий асосда уюштириш, интизомни мустаҳкамлаш вазифаларидир.

Лекин тан олиш керак, дастлабки вақтларда комиссия ишончни оқламади, ўз вазифасини сидқидилдан бажаролмади. Натижада, пойабзал сифатида кутилган ўзгариш бўлмади. Шундан кейин партия комитети комиссия фаолиятини қайта кўриб чиқди, комиссия раиси О. Баевага ишни тубдан ўзгартириш, масъулиятни кучайтириш, бракчилар, прогулчиларга кескин зарба бериш чораларини кўриш топширилди.

Бу — коммунист О. Баевага берилган муҳим партиявий топшириқ эди. Унинг масъулият ва бурчни қай даражада ҳис этиши ана шу топшириққа муносабатида билинди. Дастлаб у тажрибасизлик қилган, масалага юзаки ёндашган бўлса, партия комитетидаги муҳокамадан кейин ўз фаолиятида ўзгариш ясади. Аввало парткомга келиб, топширилган иш ҳақида маслаҳатлашди, биргаликда режа туздик.

Коммунистга хос принципиаллик билан техник назорат бўлимидаги аҳволни ҳам таҳлил этдик. Жиддий камчиликлар аниқланди, айниқса, бракчиларнинг узундан-узун рўйхати бизни беҳад ташвишлантирди. Ғалати томони шундаки, бўлим назоратчи-ходимлари бу ҳолнинг олдини олиш, сифатни яхшилаш билан деярли қизиқишмас экан.

Текширишдан кейин биз ҳар ой иккинчи ҳафтасининг жума кунини **Сифат куни** деб белгиладик. Шу куни комиссия цехларда рейдлар уюштиради, бракчиларга турли йўллар билан таъсир ўтказади, буюртмачилардан маҳсулотлар қайтариб юборилгани сабабларини таҳлил этади.

Орадан кўп ўтмай, О. Баева умумий йиғилишда ҳисоб берди. Йиғилиш сифат комиссияси аъзолари ўз бурчларига юксак масъулият билан ёндаша бошлаганини, бу эса маҳсулот ҳар тарафлама харидоргир бўлишига самарали таъсир кўрсатаётганини қайд этди.

Жорий йил чиндан ҳам корхонамизда сифат йили бўлди. Илгари ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг каттагина қисми сифатсизлиги учун қайтарилар эди. Кейинги ўн ойда бу кескин қисқарди. Ҳозир биз фақат сифатли маҳсулот тайёрлаш устида ишлаяпмиз.

Партия Марказий Комитети тарихий ҳужжатларни умумхалқ муҳокамасига қўйиши арафасида 1985 йил ўн ойлик план-топшириқларини асосий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли ўринлатган корхонамиз коллективи ўз бурчларини янада ҳалоллик билан ўташ, аъло сифат ва юқори самарадорликка эришиш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, технологик жараёнларни такомиллаштириш учун курашни бутун чоралар билан кучайтириб юборди. Партия комитети сифат комиссияси фаолиятига барча ишчи-хизматчилар ва инженер-техник ходимларни тўла ва фаол жалб этиш тажрибасини кенг қўлланяпти.

Шубҳасиз, бу тажрибани ўзлаштиришда ҳам коммунистлар ибрат бўлишди. Шулардан бири — оддий ишчи, партком аъзоси Н. Филинов план-топшириқларини муттасил ортиғи билан адо этади, шунингдек, комиссия фаолиятини жонлантириш учун жон куйдиради, яъни, ўзи тайёрлаган маҳсулот сифатини аъло даражага кўтаришни биринчи даражали бурчи ҳисоблайди. Партия комитети аъзоларидан Б. Ражабова, Г. Рўзиева, Н. Абубекиров, М. Тряпкина ва бошқалар ҳам ишончли таянчларимиз бўлиб қолишган.

Корхонамиз ишчи ва хизматчилари, барча коммунистлари мамлакатда кенг қулоч ёйган ватанпарварлик ҳаракатига актив қўшилмоқдалар, октябрь Пленумидан кейин катта меҳнат ва сиёсий кўтаринкиликни қуйидагича ифодаламоқдалар:

— Биз КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасини чин дилимиздан маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз!

**В. БАРБАШИНА,**
**Самарқанд пойабзал фабрикаси партия комитетининг секретари.**

## ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

### РАСМИЙ ҲУЖЖАТ СИФАТИДА

НЬЮ-ЙОРК, 1 ноябрь. (ТАСС). Бу ерда Аргентина, Греция, Ҳиндистон, Мексика, Танзания ва Швеция давлат ҳамда ҳукумат бошлиқларининг 1985 йил 24 октябрда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевга ва АҚШ Президенти Р. Рейганга йўллаган қўшма мактуби тексти БМТ Бош Ассамблеяси ва хавфсизлик кенгашининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди. Мактубда барча ядровий синовларни бир йил муддатга тўхтатиш ҳақидаги таклиф ҳамда ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг шунга мувофиқ тарзда иш тутишларига даъвати баён қилинган.

### КЕСКИН НОРОЗИЛИК

КОБУЛ, 1 ноябрь. (ТАСС). Бахтар агентлигининг хабар қилишича, Эроннинг АДРдаги муваққат ишлар вакили Афғонистон Ташқи ишлар министрлигига чақирилиб, унга қуйидаги баёнот топширилди.

Шу йил 3 октябрь куни афғон аксилинқилобчи гуруҳлар аъзоларидан, шунингдек, «Ислом революцияси посбонлари» корпуси таркибидаги Эрон ҳарбий хизматчиларидан иборат 400 нафар қуролланган тўда Ғазал ислом районида АДРнинг хавфсизлик кучлари постига қуролли ҳужум қилди, дейилади баёнотда. 24 ва 25 октябрь кунлари Эрон артиллерияси Шаршарадаги чегара постини ўққа тутди. Натижада Афғонистон ҳарбий хизматчиларидан икки киши ҳалок бўлди ва икки киши яраланди.

Афғонистон Демократик Республикаси Эронга қатъий норозилик билдиради ва ҳамма эътироф этган халқаро нормалар ҳамда яхши қўшничилик принципларини бузишдан иборат агрессия ҳаракатларини дарҳол тўхтатишни талаб қилади. Акс ҳолда бу хатарли хатти-ҳаракатнинг оқибатлари учун бутун жавобгарлик Эрон томонига тушади.

## ХАБАРЛАР ОҚИМИ

### АКП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

**ВЕНА.** Бу ерда Австрия Коммунистик партияси (АКП) Марказий Комитетининг пленуми бўлди. Пленум АКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, партия Марказий Комитетининг секретари В. Зильбермайрнинг федерал президент сайлови ўтказилиши тўғрисидаги докладини тинглади. Пленум шу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

АКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси И. Швагернинг АКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг фаолияти тўғрисидаги доклади якдиллик билан маъқулланди.

Пленум якунлари юзасидан ўтказилган матбуот конференциясида АКП Раиси Ф. Мури КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Францияга қилган расмий визити вақтида баён этиб берган янги Совет тинчлик ташаббусларини табриклаб гапирди.

### ЯКДИЛЛИК БИЛАН МАЪҚУЛЛАНДИ

**БЕРЛИН.** ГБСП Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси билан ГДР Министрлар Совети Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг Софиядаги кенгашида қабул этилган баёнотни, шунингдек, ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Эрих Хонеккер бошчилигидаги ГДР делегациясининг шу кенгашдаги фаолиятини тўла-тўкис маъқулладилар.

София баёноти, дейилади ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси билан ГДР Министрлар Советининг бу ерда тарқатилган қўшма баёнотида, социалистик давлатлар ҳамдўстлигининг ядро уруши хавфини йўқотиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва халқаро вазиятни соғломлаштириш учун биргаликдаги кураш программасидир.

### НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

**БУЭНОС-АЙРЕС.** Юзлаб чилилик хотин-қизлар Сантьягодаги норозилик намойишига чиқдилар. Улар 4 сентябрда миллий норозилик куни уюштиришда айбланиб бир ойдан кўпроқ вақт муқаддам қамоққа олинган бир гуруҳ касаба союз арбоблари озодликка чиқарилишини талаб қилдилар. Намойишдан бир неча соат илгари касаба союз раҳбарларининг озодликка эришиши мақсадида қамоқхонада номаълум муддатга очлик бошлаш тўғрисидаги қарори маълум бўлди. Намойишда қатнашган аёллар «Касаба союз раҳбарлари озод этилишини талаб қиламиз!» деб қайта-қайта хитоб қилдилар. Чили пойтахтининг марказий кўчаларидан бирида юриб ўтган хотин-қизларнинг калонналарига студентлар ва теварак-атрофдаги кварталларнинг аҳолиси ҳам қўшилди.

Полициянинг махсус бўлинмалари уларга сув пуркаш машиналарини ва кўзни ёшлантирувчи газни ишга солдилар. Ажнабий журналистларнинг ёзишича, 20 га яқин киши ушланиб полиция автомашиналарида олиб кетилди. Неча киши қамоққа олингани аниқ эмас.

Айни вақтда бутун мамлакатда турмуш шароитлари ёмонлашиб, қимматчилик, ишсизлик кучайиб, маъмурларнинг бедодлиги ҳаддан ошиб бораётганига қарши норозилик билдираётган меҳнаткашларнинг иш ташлаш ва намойишлари давом этмоқда.

### ГРЕК ЗИЁЛИЛАРИНИНГ ХИТОБНОМАСИ

**АФИНА.** Грек зиёлиларининг намояндалари Афина университетида ўтказилаётган Греция фан ва маданият арбобларининг миллий конференцияси чоғида ўз ватандошларига ва бошқа мамлакатлардаги касбдошларига хитобнома билан мурожаат этдилар. «Биз барча тинчликсевар кучларни қуролланиш пойгасига ва космик фазо ҳарбийлаштирилишига тўсқинлик қилиш учун, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни ҳимоя қилиш мақсадини кўзловчи ҳар қандай ташаббуслар қўллаб-қувватланиши учун ўз куч-ғайратларини бирлаштиришга чақирамиз», дейилади хитобномада. Конференцияда сўзга чиққан олимлар ядровий синовлар тақиқланиши, тинчликни ҳимоя қилиш йўлидаги куч-ғайратлар активлаштирилиши зарурлигини уқтириб ўтдилар.

### ЖАЗОИР ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ

**ЖАЗОИР.** Жазоир халқи революция байрамини тантанали нишонламоқда.

Ореса тоғларида бир гуруҳ ватанпарварлар 1954 йил 1 ноябрь куни мустамлакачиларга қарши ёққан қуролли қўзғолон олови тез орада бутун мамлакатда аланга олиб кетган эди. Озодлик йўлидаги қаҳрамонона кураш саккиз йил давом этди. Узоқ давом этган бу курашда бир ярим миллион жазоирлик ўз ватанининг мустақиллиги учун қаҳрамонона ҳалок бўлди. Аммо уларнинг тўкилган қони зое кетмади.

Мустамлакачилик ҳукмронлиги кишанларини улоқтириб ташлаган Жазоир сиёсий ва иқтисодий мустақилликни, демократия ва тараққиётни мустаҳкамлаш йўлидан комил ишонч билан олға бормоқда, мамлакатда кенг меҳнаткашлар оммасининг манфаатлари йўлида муҳим социал-иқтисодий ўзгартишлар амалга оширилмоқда. Ҳозир республика янги муҳим босқич бўсағасида турибди — Жазоир революциясининг асосий программавий ҳужжати — миллий Хартияни бойитиш умуммиллий компанияси ниҳоясига етказилмоқда. Янги таҳрирдаги шу ҳужжат миллий озодлик фронти партияси съездига маъқуллаш учун тақдим этилади, бу съезд Жазоир халқининг социалистик ривожланишни кўзлаш йўлидаги асосий ғалабаларини мустаҳкамлайди ва келажакдаги ривожланишнинг бош вазифаларини белгилайди.

(ТАСС).

## ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ—ЮКСАЛИШ ҚАНОТИ

# РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИ

### «Совет Ўзбекистони»нинг «Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидаги давра суҳбати

**Экономика тараққиётида автомобиль транспортининг роли ортиб бормоқда. Ўзбекистон транспорт комплексида умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти етакчи ўринни эгаллайди. Тармоқ юк машиналари парки халқ хўжалиги юкларининг 38 процентини ташийди. Йўловчиларнинг 85 процентдан зиёди автомобиль транспортидан фойдаланади.**

**Министрликда автомобиль транспорти ишини интенсивлашни жадаллаштиришга йўналтирилган тадбирлар комплексининг ишлаб чиқилгани ва изчил амалга оширилаётгани барқарор натижаларга эришишни таъминловчи омиллардан бири бўляпти. Мамлакатимиз автомобиль транспортида пайдо бўлаётган илғор тажриба ва ташаббуслар тармоқ корхоналарида амалиётга жорий қилинмоқда.**

**«Совет Ўзбекистони»нинг «Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтказган давра суҳбати қатнашчилари юк ва пассажир ташиш жараёнини интенсивлаш резервлари ҳақида мулоҳаза юритдилар.**

### ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЎҒИНЛАР ЙЎҚ

**А. ДЕ,**
**Тошкент шаҳар марказлаштирилган усулда юк ташиш автомобиль трестининг 2502-автоколоннаси бошлиғи**

— Хўжалигимиз автотранспортчилари Тошкент товар станцияси, «Главташкентстрой» каби йирик ташкилотларга хизмат кўрсатади. Йиллик юк ташиш ҳажми 3 миллион 400 минг тоннани, юк обороти 73 миллион 800 минг тонна-километрни ташкил этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, автокорхонамиз бошқа хўжаликларга нисбатан ҳеч қандай афзалликка эга эмас. Аксинча, бўлинмаларнинг уч территорияда жойлашганлиги бошқаришда муайян қийинчиликлар келтириб чиқармоқда. Бироқ биз йил сайин план ва социалистик мажбуриятларни бажариб келяпмиз. Айни вақтда кўплаб моддий-техника ресурсларини иқтисод қилишга эришяпмиз.

Мана, айрим мисоллар. Беш йилликнинг тўрт ярим йилида пландан ташқари 163 минг тонна халқ хўжалик юклари манзилга етказилди ва 8.673 тонна-километр юк обороти бажарилди. Пландан ташқари 630 минг сўм фойда олинди. Мажбуриятда белгиланган 213 тонна ўрнига 317 тонна бензин, 55 минг ўрнига 114 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар, 147 ўрнига 488 комплект автошина тежаб қолинди.

Хўш, коллективимиз бундай барқарор натижаларни нималар ҳисобига қўлга киритяпти? Асосан автотранспортда қўллана бошлаган барча янги ва илғор тажрибаларни ўрганиш, уларни тезлик билан жорий қилиш ютуқларимиз калити бўлаётир.

Кўп йиллик тажрибадан биз шундай хулосага келдикки, ишлаб чиқаришни асосий ва иккинчи даражали бўғинларга ажратиш, яъни бирига кўпроқ, иккинчисига — камроқ эътибор қаратиш нотўғридир. Иккинчи даражали масалалар йўқ, уларнинг бариси ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Биз Ленинград транспорт узелининг «автомобиль-вагон», «вагон-автомобиль» вариантини жорий этиш тажрибасини ўрганиб, Тошкент товар станцияси билан ҳамкорликда юк ташишни шу илғор усул асосига кўчирдик. Автотранспортнинг беҳуда йўл юришини камайтириш ва иш самарадорлигини ошириш мақсадида машиналарнинг икки отряди бевосита Тошкент товар станциясида ташкил этилди. Чунки станцияда юклар автомобилларга асосан тунги соатларда ортилади.

Марказлаштирилган тартибда, контейнер ва катта сиғимли идишларда юк ташиш муттасил такомиллаштирилмоқда. Паркнинг юк ортиш ҳажмини кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда. Бригада пудрати кенг жорий этилаётир. Асосий мижозларнинг ташиладиган юклари тарози ва ўлчаш асбоблари воситасида ҳисобга олинаётир. Буларнинг бариси автотранспорт иши самарадорлигини оширяпти, юк ташишда қўшиб ёзишларга барҳам беряпти.

Ҳайдовчилар 24 бригадасининг 9 тасида юк ташиш пудрат усулида ташкил этилган. Шулардан 2 бригада хўжалик ҳисобида ишлашга ўтказилди. Умумий юк ҳажмининг 58,3 проценти пудрат бригадалари кучи билан ташиляпти.

Фан-техника тараққиётини такомиллаштириш, сермеҳнат иш жараёнларини механизациялашда ижодий фикрловчи кишилар — инженер ва рационализаторларнинг изланишлари катта самара бермоқда. Етмишдан зиёд ҳайдовчи беш йиллик топшириқларини барвақт бажаришга эришиб, айни вақтда ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Корхонамизнинг илғор коллективлари «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик!» мусобақасига қўшилиб, партия олий анжумани очиладиган кунгача 1986 йил уч-тўрт ойи план ва социалистик мажбуриятларини бажаришга аҳд қилган.

### ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

**И. НАСРИДДИНОВ,**
**Қувасойдаги 73-автокорхона ҳайдовчилар бригадаси бошлиғи**

— Бригадамиз — социалистик мусобақа байроқдори. КПСС XXVII съезди шарафига конкрет мажбуриятлар олдик — съезд очиладиган кунгача планга қўшимча 500 тонна юк ташиб берамиз.

Бригадамиз корхонада биринчи бўлиб пудрат усулида ишлашга ўтди. Аввал шартнома туздик. Шартномани мендан ташқари Қувасой цемент комбинати экскаваторчилар бригадаси бошлиғи О. Салитдинов, цемент комбинати маъмурияти ҳам имзолади. Томонлар тегишли мажбуриятлар олишди. Хусусан, бригадамиз цемент саноати учун зарур хом ашёдан квартал давомида 30 минг тонна, йилига эса 120 минг тонна ташиб бериши белгиланди. Цемент комбинати маъмурияти эса кириш йўлларини тартибли сақлаш ва уларни ёритиш воситалари билан жиҳозлаш, соат 8 дан 20 гача юк ортиш механизмларини ишини таъминлашга сўз берди. Автокорхона маъмурияти эса автомобиллар ремонтини сменалараро вақт давомида бажариш, бригада автомобилларини эҳтиёт қисмлар ва шиналар билан таъминлаш вазифасини олди.

Белгиланган вазифаларни ҳал этишда корхона ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш, таъмирлаш ва тайёрлаш, техника хизмати ва автомобиллар ремонтини такомиллаштириш катта роль ўйнайди. Бу масалаларга биз жиддий эътибор беряпмиз. Ёнилғи ва электр ускуналари системасини созлаш, мой ва фильтрларни вақтида алмаштириш двигателларнинг ремонтлараро иш қобилиятини 20 процентгача ошириб, кўплаб мотор ёғи тежаб қолиш имконини беради. Умуман, автокорхона бўйича паркдан фойдаланиш коэффициенти 0,73 бўлса, бригадада 0,83 дан юқори. Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 104 процентга етказилмоқда.

Ҳайдовчиларни моддий рағбатлантиришнинг аҳамияти ҳам ошмоқда. Инженер-техник ходимлар меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг афзал системаларидан бирини ишлаб чиқдилар. Унинг моҳияти қисқача қуйидагича: ҳайдовчи смена давомида 6 рейс бажариши шарт. Бунинг учун у 11 сўм 06 тийин ҳақ олади. Бу ҳолда мукофот берилмайди. Агар у 7 рейс қатнаса, смена иш ҳақига 30 процент миқдорида мукофот қўшиб берилади. Ойлик топшириқ бажарилган тақдирда яна 10 процент мукофот қўшилади. Шу тариқа ҳайдовчи ой давомида мунтазам 7 марта қатнаган бўлса, у 40 процент мукофот олади.

### БЕНЗИН ЎРНИГА ГАЗ

**Л. АХМЕТОВ,**
**«Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси директори, иқтисод фанлари доктори**

— Зарурат бугунги кунда транспорт учун ёнилғи-энергетика ресурсларининг қўшимча резервларини излаб топишни тақозо этади. Шу билан бирга, уларнинг анъанавий ёнилғи — бензинга нисбатан арзон ва муҳитга зиён етказмайдиган бўлиши талаб қилинади. Олиб борилаётган изланишлар ҳозирдаёқ муайян натижа бераётир.

Ҳозир автомобилларни бошқаришда мотор ёнилғисининг анъанавий бўлмаган турлари қўлланиляпти. Тезюрар дизелларга мўлжалланган газ конденсати — кенг фракцияли ёнилғи шулар жумласига киради. У ёзги-қишки турларга бўлинади. Унинг таркиби нефть-газни қазиб олиш, қайта ишлашдан кейинги яроқсиз маҳсулот — газ конденсатидан (25-30 процент), шунингдек 70-75 процент ҳажмида дизель ёнилғисидан иборат.

Республикада газ конденсатидан мотор ёнилғиси сифатида фойдаланиш бўйича тадқиқотлар ўн йил илгари бошланганди. Муайян туркум автомобилларни синовдан ўтказиш вақтида дизель ёнилғисига нисбатан газ конденсати ёнилғисининг қатор афзалликлари аниқланди.

Тошкент шаҳри ва пойтахт областида ўтказилган синовларнинг кўрсатишича, газ конденсатли ёнилғидан фойдаланишда «КамАЗ-740», «ЯМЗ-236» двигателларининг ёнилғи иқтисод қилиши 6 процент, «ЯМЗ-238» двигателлариники 9 процент юқори бўлиши аниқланди. Двигателларни ўт олдиришдаги хусусиятлари, уларнинг ва ёнилғи аппаратурасининг ишлаш пухталиги дизель ёнилғисида ишлагандагидан қолишмайди. Шунингдек, двигателларнинг тутун чиқариши 10-30 процент, ишланган газда канцероген моддалар мавжудлиги 20 процент камаяди.

Тошкент областининг 16 автокорхонасида газ конденсатида ишлайдиган автобуслар ва катта юк машиналари кенг синовдан ўтказилди. Бу тадқиқот ва синовлар натижасида «Ферғананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмасида янги технология асосида газ конденсати ёнилғисини ишлаб чиқарадиган қурилма барпо қилинди. У 4-5 процент хом ашё (нефть)ни иқтисод қилиш ва ҳар тонна ёнилғи таннархини 6 сўм арзонлаштириш имконини беряпти. Қурилма министрлик системасидаги дизель автомобиллари бутун паркини газ конденсатли ёнилғи билан ишлашга ўтказиш имконини беради. Бу — 350 минг сўмлик дизель ёнилғисини иқтисод қилиш билан баробар. Айни вақтда двигателларда ёнилғи ёнишидан атмосферага тарқаладиган қурум йилига 1380 тонна, углерод оксиди — 4320 тонна, азот оксиди — 1152 тонна ва канцероген углеводородлар — 13 тонна камаяди.

Ҳозирги вақтда Тошкент автомобиль ва йўллар институти «Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда тоза бензин алмаштиргичи сифатида газ конденсатли бензин ёнилғисини қўлланиш соҳасида тадқиқотлар олиб бормоқда. Карбюраторли автомобилларда бундай ёнилғини кенг қўлланиш мумкинлигидан дарак берувчи дастлабки натижалар олинди.

Бизда газ баллонли автомобиллар пухталиги махсус лабораторияси, инженер-техник ходимлар, ҳайдовчилар ва ремонтчи ишчиларга газ ёнилғисида ишловчи автомобилларга хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятларини ўргатувчи ўқув маркази ташкил қилинди. Ўқув маркази Тошкент шаҳар марказлаштирилган усулда юк ташиш автомобиль трестининг 3-автокомбинати базасида ишлаб турибди. У йилига 270 инженер-техник ходим, 720 ҳайдовчи, 270 ремонтчи ишчи тайёрлаб беради.

Сиқилган табиий газдан фойдаланувчи автомобилларни тажриба сифатида бошқариш натижалари ҳам қувончли. Бундай автомобиллардан фойдаланиш 300 минг сўмдан ортиқ самара бермоқда. Умуман, автотранспортни сиқилган газга кўчириш янада кенг уфқлар очади. Шу йил охиригача табиий газ ёнилғисидан фойдаланувчи машиналар сонини 600 тага етказиш планлаштирилган. Бу, йилига 800 минг сўм маблағни тежаш имконини беради.

### Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министри

**А. Ф. ГАВРИЛОВ шарҳи:**

— КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель ва октябрь Пленумлари қарорлари, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга бағишлаб КПСС Марказий Комитетида ўтказилган кенгаш, стахановчилик ҳаракати ветеранлари, илғорлар ва новаторлар билан учрашувда ўртага қўйилган вазифалар биз автотранспортчилар учун ҳам истиқбол кўзгусидир. Биз КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўрар эканмиз, тармоғимиздаги ишлар аҳволини ана шу талаблар асосида таҳлил қилиб чиқдик.

Тармоқ корхоналари йил сайин давлат планлари ва социалистик мажбуриятларини бажариб келаётирлар. Ўн биринчи беш йилликда автотранспортчилар, айниқса, қизғин меҳнат қилишмоқда. Ўтган давр ичида пландан ташқари 12,6 миллион тонна халқ хўжалик юклари ва 50 миллионга яқин пассажир ташилди, таксиларда ҳақ тўланадиган 45 миллион километр йўл босилди, шу муддатда меҳнат унумдорлиги 6,4 процент ошди.

Автотранспортчилар коллективлари одессалик ва ленинградлик ҳамкасбларининг тажрибасини ўрганиб, темир йўлчилар билан ҳамкорликда «автомобиль-вагон» системаси асосида контейнерларда юк ташиш илғор усулини жорий қилишди. Ўтган йилнинг ўзида шу усул билан 560 минг тонна юк ташилди. Шунинг ҳисобига юк ортиш-тушириш жараёнида беҳуда туриб қолишлар 3,7 минг вагон-соат камайди. Қисқа масофага ташиладиган 125 минг тонна юк темир йўл транспортидан автомобиллар зиммасига ўтказилди. Натижада 2,1 минг вагон бошқа тармоқларга бўшатиб берилди.

Юк ташиш жараёнида прицеплардан фойдаланиш қудратли резервдир. Ҳозирги вақтда автокорхоналарда автопоездлар сони бир мунча ошди. Улар 10 тоннадан 50 тоннагача юк кўтариш қувватига эга.

Тармоқдаги 650 ҳайдовчилар бригадаси коллектив пудрат усулида ишлаяпти. Ёнилғи-энергетика ресурсларидан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш мақсадида бензин ва дизель ёнилғисини янги, тобора арзон ёнилғи турлари билан алмаштириш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Кўплаб корхоналарда марказий бошқариш пультлари жорий қилинган, электрон-ҳисоблаш машиналаридан тобора кенгроқ фойдаланилмоқда.

Ўн биринчи беш йиллик планларини барвақт ва ошириб бажариш юзасидан социалистик мусобақа авж олди. Тошкент область юк ташиш, Тошкент шаҳар марказлаштирилган усулда юк ташиш ҳамда Наманган область автомобиль трестлари мусобақада пешқадамлик қилаётирлар.

Съездолди мусобақаси ажойиб натижалар беряпти. Шу кунгача 60 ҳайдовчи ўн ва ундан ортиқ йиллик топшириқни бажаришга эришди. Яна 250 транспортчи бу маррага етиш арафасида. Термиздаги 2510-автокорхонадан Р. Хуметов, Бекободдаги 16-автокорхонанинг Н. Ким, Урганчдаги 19-автокорхонанинг А. Қаландаров, Тошкентдаги 2-автокомбинатнинг М. Шокиров каби илғор ҳайдовчилари шулар жумласидандир. 3000 дан зиёд ҳайдовчи беш йиллик шахсий планини адо этиб қўйди.

Лекин ишда камчилик ва нуқсонлар ҳам бор. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг барча резервлари ҳаракатга келтирилмаган. Умумий фойдаланишдаги автотранспорт ҳайдовчилари ҳамма жойда ҳам транспорт бошқа турлари коллективлари билан яқин алоқада иш олиб бормаяптилар. Оқибатда республикамиз ягона транспорт конвейерида узилишлар содир бўлмоқда. Юк ортиш-тушириш жараёнида бекор туриб қолишлар салмоғи ҳануз юқори. Қўшиб ёзишдек иллатга батамом барҳам берилмаган.

Ёнилғини бир маромда етказиб бермаслик, автокорхоналар эҳтиёжи эҳтиёт қисмлар ва шина билан тўла-тўкис қондирилмаслиги каби бошқа сабаблар ҳам бор. Бу қийинчиликлар ҳам юк ва пассажир ташиш жараёни самарадорлигини ошириб боришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Айрим автокорхоналарнинг раҳбарлари барча камчиликлар сабабини ана шу каби сабаблар билан боғлаб кўрсатишга уринадилар, резервларни излаб топишда ижодий ташаббускорлик кўрсатмайдилар, ишни ўз ҳолига ташлаб қўядилар.

**Бутун ишлар комплексини ташкил этишга ижодий ёндашилаётган, резервлар ҳаракатга келтирилаётган жойларда юқори натижаларга эришилмоқда. Вазифа — илғорлар тажрибасига амал қилишдан, янги техника ва прогрессив технологияга кенг йўл очиб беришдан, ўн биринчи беш йиллик план ва мажбуриятларини муваффақиятли бажариб, КПСС XXVII съездини ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездини янги зафарлар билан кутиб олишдан иборат.**

**Ж. ХОЛҚОСИМОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.**

**А. АЛИМОВ,**
**«Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлим бошлиғи.**

